

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги**

**ТАСДИГИЛАНДИРИЛГАН ИМАНАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
юнусларини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ўзине  
Узбекистон Республикаси мактабини Муассисаларидан ишланган  
2020 йилниң 10-май сарасида – 2020 йил – оғизий таълим мактабиниң  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
2020 йил №220-даги ўзбек тилинин оғизий мактабиниң


**2019 йилдан**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги,

**5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
юнусларини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ўзине  
бексланишни Узбекистон Республикаси мактабини Муассисаларидан  
муваффақиятни таъминлашганда расмий таълим мактабиниң мактабчалини  
худоїи Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
тадбирлари.

**Тошкент**



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3-сонли йигилишида маъкулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдир.

## МУНДАРИЖА

T/п		бет
1.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги малака талабининг кўлланиши</i> .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	5
1.2.3.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
3.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i> .....	9
3.1.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар</i> .....	9
3.2.	<i>5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми</i> .....	9
	Библиографик маълумотлар.....	10

## **1. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**5A230701 – Банк иши ва аудити** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли мутахассислик бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг магистратура таълим мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **5A230701 – Банк иши ва аудити** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

##### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиши, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш хуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

#### **1.2. 5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

##### **1.2.1. 5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги** – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларида мутахассислика оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва иқтисодий илмий-тадқиқот институтларида; банк-молия соҳаси бўйича илмий-тадқиқот институтларида; Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида, тижорат банкларида, нобанк кредит муассасаларида, бюджетдан ташқари фонdlарда; Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки ва тиҷорат банклари ҳудудий бошқармаларида; вилоят, шаҳар, туман ва минибанк бўлинмаларида комплекс масалаларни ечиш усулларини қамраб олади.

#### **1.2.2. 5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- Мамлакат банк тизими ривожланиши стратегиясини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими;
- банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар иқтисодий барқарорлигини ва хавфсизлигини таъминлаш, молия-банк соҳасидаги хуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, молия-банк тизими бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- мамлакат молия тизимида, банк тизимида уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- банк тизими соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- мамлакат молия-банк тизимида молиявий барқарорлик ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

#### **1.2.3. 5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иктисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- хуқуқ-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

#### **1.2.4. 5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

5A230701 – Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

##### **Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмууларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

#### **Молиявий-иктисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- тижорат банкларида молиявий режаларни, йиғма молиявий балансларни, асосий иктиносидий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;

- келгуси молия йили ва белгиланган давр учун режаларни ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларида стратегик режалаштириш, улар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати билан боғлик равишда ўрта ва узоқ муддатли молиявий (бюджетларни) прогнозлаш;

- давлатнинг бюджетдан ташқари фонdlари бюджетларининг молиявий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;

- кредит ва суғурта ташкилотларининг молиявий-иктисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;

- банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- банк тизимининг даврий иктиносидий инқирозларга қарши чоралар билан фаолият юритишини таъминлаш;

- тижорат банкларининг эмиссион фаолиятини ташкил қилиш ва банк эҳтиёжлари учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш -ҳамда уни амалга ошириш;

- тижорат банкларининг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ва инвестиция портфелини самарали бошқаришни ташкил қилиш;

- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланиш;

- республика қимматли қоғозлар бозори марказлашган инфратузилмаларининг операцион фаолиятини ташкил қилиш;

- қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи давлат органлари ишини ташкил қилиш.

#### **Хуқуқ-тартибот фаолиятида:**

- статистик ва ҳисоб-таҳлилий маълумотларнинг манбаларини ҳамда истеъмолчиларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

- тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иктисодий натижаларни таҳлил қилиш;

- тадқиқотлар учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алоқасини моделлаштириш;

- тадқиқот усулларини ва техник воситаларини танлаш;

- бошқарув қарорларни қабул қилиш учун ахборотларни йиғишини ташкил этишнинг ички ахборот тизимини яратиш;

- бошқарув ва молиявий ҳисобни юритиш, жорий молия йили учун тузилган молиявий режалар ижроси натижаларини таҳлил қилиш;

- банкларда молиявий менежментни, банк секторини, суғурта ва молия бозорини ривожлантириш, акциядорлик жамиятлари молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иктиносидий ахборотларни таҳлил қилиш;

- тижорат банкларида рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;

- халқаро молия ва кредит ташкилоттарининг амалий фаолияти натижаларини жамлаш ва ўрганиш;

- молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда уни модернизациялаш учун тегишли миллий ва халқаро маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишиш, гурухлаш ва таҳлил қилиш натижасида тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш;

- даврий молиявий-иктисодий инқизозларга қарши чораларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқот натижаларини шарҳлаш.

#### **Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялари асосида корпоратив ўқитишини ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

- банклар самарали фаолияти ва уларнинг сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- банклар фоалият олиб бориши учун зарур бўлган ресурслар муаммосини хал қила олиш;

- банкларда вужудга келадиган рискларни олдини олиш ва уларни камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- банклар фоалиятини бошқаришнинг хориж амалиётини пухта ўрганиш ва луардан фойдалана олиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усувлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- тижорат банклари фоалиятини бошқариш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг Марказий банк ҳамда халқаро талабларга мос келишини назорат қилишда иштирок этиш.

## **2. 5A230701 – Банк иши ва аудити таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англашган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиш;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасавурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;

- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида кўллай олиш;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;

- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;

- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий конунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулокот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар магистратура мутахассисликлари бўйича обьектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;
- экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стенклар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;
- экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;
- экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, хуносалар чиқариш ва тавсияларни ишлаб чиқиш;
- талабаларни ўқитадиган ва уларнинг билимини назорат қиласидиган автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш;
- ўқув жараёнида ҳамда талабаларнинг ўқув-илмий-тадқиқотларида ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш.
- мутахассисликка мос янги нафақат илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;
- банкларнинг молиявий ҳолатни баҳолай олиши, юзага келган амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаши;
- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқиши;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, реферат ва библиографияларни тузиши;
- илмий семинарларда, конференцияларда ва бошқа илмий жараёнларда, муҳокамаларда иштирок этиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

банк менежери, банк маркетологи, банк аудитори, банк бухгалтери, ички назорат ходими, банк молиявий таҳлилчisi, банк агенти, банк операционисти, банкларда қимматли қозголаштиришлари бўйича мутахассис, аудитор, инвестицион воситачи, банк бизнесини режалаштириш ва стратегияси ходими, банк ғазначилиги мутахассиси, микромолиялаштириш ва микрокредитлаш бўйича мутахассис, банк корпоратив бошқарув ходими, валюта операциялари бўйича мутахассис, пул муомаласи бўйича мутахассис, банк касса ходими, фронт-офис ходими, бэк-офис ходими, банк карталари бўйича мутахассис, чакана банк хизмати мутахассиси, биржа агенти, молиявий маслаҳатчи, консалтинг хизматлари бўйича мутахассис.

## **3. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, қўнікма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқлади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графики, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машгулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
Шу жумладан, мустақил таълим	-
Аттестациялар	9%
Таътиллар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), ўқиб-урганиш натижалари, давлат кредити, молия бозори, инвестицияларни молиялаштириш, чет мамлакатлар банк тизими, молиявий ресурсларни бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, дидактика, назария, стратегия, тактика, индикатор, курс, режим, инструмент, талаб, таклиф, агрегат, инфляция, дебеторлик, кредиторлик, SWIFT, Интернет-Банкинг, Phone bank, MailBank, WESTERN UNION, MONEYGRAM, ANELIK, хавф, хатар, ресурс, кафиллик, кафолат, диверсификация, дистанцион, инспекцион, Базель, принцип, риск-менежмент, рентабеллик, рейтинг, фонд, портфел, актив, пассив, матрица, модел, капитал, депозит, баланс, операция, мониторинг, ностро, востро, спот, форвард, опцион, фьючерс, номинал, реал, конвенция, ИНКОТЕРМС, чек, аккредитив, UCP 600, UCP 500, инкассо, ФЗТ, ликвидилик, аккумуляция.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент молия институти

Ректори в.в.б.  С.Махмонов

2020 йил " 21 " 07



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министри  
ривожлантириш талқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор

М.У.

2020 йил " " "

Акционерлик тижорат "Алоқабанк"

Бошқаруви  
Раиси  
ўринбосари

 X.Ў.Рахматов

2020 йил " " "



Акционерлик тижорат банки "Қишлоқ  
қурилиш банк"

Бошқарув  
Раисининг  
бизниси  
ўринбосари

2020 йил



А.Б.Эшонқулов

Тошкент давлат иқтисодиёт

университети

Ректор

К.Шарипов

2020 йил " " "



Тошкент молия институтининг 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислигининг малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шахри

“ ” 2020 й.

Биз, куйида имзо чекувчилар – Акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқарув Раисининг ўринбосари Б.Т.Атамурадов, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Бошқаруви Раиси ўринбосари Ҳ.Ў.Рахматов ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қўйидагилар ҳақида туздик:

1. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топширигида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқиша турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб хисоблаймиз.

Акциядорлик тижорат Халқ  
банки Бошқарув Раисининг  
ўринбосари

Б.Т.Атамурадов

Акциядорлик  
“Алоқабанк”  
Раиси ўринбосари  
Ҳ.Ў.Рахматов

Тошкент молия институти  
ректори в.в.б.

С.Мехмонов



**Тошкент молия институтида тайёрланаётган**  
**5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги учун**  
**янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар касбий**  
**фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Т/р	<b>Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган магистратура мутахассислиги</b>		<b>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b>
	<b>шифри</b>	<b>номи</b>	
	<b>5A230701</b>	<b>Банк иши ва аудити</b>	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тижорат банкларида молиявий режаларни, йиғма молиявий балансларни, асосий иқтисодий кўрсаткичларни хисоб-китоб қилиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;</li> <li>- келгуси молия иили ва белгиланган давр учун режаларни ишлаб чиқиш;</li> <li>- тижорат банкларида стратегик режалаштириш, улар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;</li> <li>- пул-кредит ва бюджет-солик сиёсати билан боғлик равишда ўрта ва узок муддатли молиявий (бюджетларни) прогнозлаш;</li> <li>- давлатнинг бюджетдан ташқари фонdlари бюджетларининг молиявий кўрсаткичларини хисоб-китоб қилиш;</li> <li>- кредит ва суғурта ташкилотларининг молиявий-иктисодий кўрсаткичларини хисоб-китоб қилиш;</li> <li>- банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- банк тизимининг даврий иқтисодий инқирозларга карши чоралар билан фаолият юритишини таъминлаш;</li> <li>- тижорат банкларининг эмиссион фаолиятини ташкил қилиш ва банк эҳтиёжлари учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш;</li> <li>- тижорат банкларининг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ва инвестиция портфелини самарали бошқаришни ташкил қилиш;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланиш;</li> <li>- республика қимматли қоғозлар бозори марказлашган инфратузилмаларининг операцион фаолиятини ташкил қилиш;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат килувчи давлат органлари ишини ташкил қилиш;</li> <li>- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;</li> <li>- банк-молия тизимида оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогноз қилишда амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни кўллаши;</li> <li>- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқиши;</li> </ul>

- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларига ишлов бериши;
- илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чикиши;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шархларни ишлаб чикиши, реферат ва библиографияларни тузиши;
- илмий семинарлар, конференцияларда ва бошка илмий жараёнларда, муҳокамаларда иштирок этиши;
- илмий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаши лозим;
- статистик ва ҳисоб-таҳлилий маълумотларнинг манбаларини ҳамда истеъмолчиларнинг максад ва вазифаларини аниқлаш;
- тадқим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иктисодий натижаларни таҳлил қилиш;
- тадқиқотлар учун қўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алокасини моделлаштириш;
- тадқиқот усусларини ва техник воситаларини танлаш;
- бошқарув қарорларни қабул қилиш учун ахборотларни йиғишни ташкил этишининг ички ахборот тизимини яратиши;
- бошқарув ва молиявий ҳисобни юритиш, жорий молия йили учун тузилган молиявий режалар ижроси натижаларини таҳлил қилиш;
- банкларда молиявий менежментни, банк секторини, сугурта ва молия бозорини ривожлантириш, акциядорлик жамиятлари молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чикиш учун молиявий ва иктисодий ахборотларни таҳлил қилиш;
- тижорат банкларида рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- таҳлилий ҳисботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шархлаш;
- ҳалқаро молия ва кредит ташкилотларининг амалий фаолияти натижаларини жамлаш ва ўрганиш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда уни модернизациялаш учун тегишли миллий ва ҳалқаро маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишлаш, гурухлаш ва таҳлил қилиш натижасида тегишли хулоса ва тақлифларни ишлаб чикиш;
- даврий молиявий-иктисодий инкиrozларга карши чораларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқот натижаларини шархлаш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуслари ҳамда механизмларини ишлаб чикиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг

		<p>Марказий банк ҳамда ҳалқаро талабларга мос келишини назорат қилишда иштирок этиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– ўкув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;</li> <li>– электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;</li> <li>– олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;</li> <li>– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўкув машғулотларини ўтказиш;</li> <li>– тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни юритиш бўйича чора - тадбирлар ишлаб чикиш ва амалга ошириш;</li> <li>– тижорат банкларида ички аудит ҳизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чикиш;</li> <li>– тижорат банкларида кредит операциялари ҳисоби, пул маблағлари ва лизинг операциялари ҳисоби ва ички банк операциялари ҳисобини юритиш;</li> <li>– тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш;</li> <li>– юридик ва жисмоний шахсларга банк ҳизматини кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;</li> <li>– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;</li> <li>– ўқитилаётган фан бўйича ўкув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;</li> <li>– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;</li> <li>– узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўкув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чикишда иштирок этиш;</li> <li>– мутахассислик бўйича банк-молия соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик обзорини ишлаб чикиш;</li> <li>– банк-молия тизимига оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогноз қилишда магистр ихтинослигига мос мавзуладаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;</li> <li>– ихтинослика мос мавзу бўйича консалтинг ҳизматларини кўрсатиш.</li> </ul>
--	--	---

Акционерлик тижорат Ҳалқ банки  
Бошқарув Раисининг ўринбосари



Акционерлик тижорат “Алоқабанк”  
Бошқаруви Раиси ўринбосари

Б.Т.Атамурадов

Х.Ў.Рахматов

**5230700 – Банк иши таълим йўналиши негизидаги 5A230701 – Банк иши  
(фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистратура давлат  
таълим стандартининг халқаро миқёсидаги  
бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш**

**Магистратурада таълим жараёнинг умумий кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Таълим жараёни</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси (магистратура)</b>	<b>Англия MIF (Master in Finance) дастури London Business School</b>	<b>Northern State University (USA) Banking and Financial Services (MS)</b>
<b>1.</b>	<b>Бошланиши</b>	4 йил бакалавриатдан сўнг	4 йил бакалавриатдан сўнг	4 йил бакалавриатдан сўнг
<b>2.</b>	<b>Давомийлиги</b>	2 йил	<b>Full-time program - 9 ой. Part-time program – 21 ой.</b> Ҳар ҳафтада икки марта (душанба ва пайшанба) 30 ҳафта мобайнида кечки вақтда машғулот ўтказилади .	1 йил
<b>3.</b>	<b>Таълим олувчилар сони</b>	1 - (талағба мувоғик)	<b>Full-time program - 136 талаба. Part-time program – 60 дан ортиқ талаба.</b>	20-25
<b>4.</b>	<b>Ўтиш жойлари</b>	Тошкент молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси	London Business School тасарруфидаги «Молия ва ҳисобот» факультетида (хоҳишга кўра халқаро гурухларда)	Northern State University тасарруфидаги “Banking and Finance” факультетида (келишувга асосан ҳамкор ОТМда)
<b>5.</b>	<b>Таълим берувчилар</b>	Мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар (шунигдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар таклиф этилиши мумкин)	Мос мутахассислик бўйича илмий даражага ва магистр даражасига эга бўлган етакчи мутахассислар	Northern State University “Banking and Finance” факультети профессор-ўқитувчилари
<b>6.</b>	<b>Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш</b>	Кўйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими - УАШ тайёрлаш кафедраси мудири-магистратура директори, магистрант.	«Молия ва ҳисобот» факультети	Тегишли факультет ва масъул мутахассислик кафедраси (Finance, Banking and Insurance MSc)

## Магистратурада таълим жараёнинг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия MIF (Master in Finance) дастури London Business School	Northern State University (USA) Banking and Financial Services (MS)
1.	Назарий таълим	Ўкув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўкув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади	<b>Full-time program:</b> - бу дастурда барча фанлар назарий таълим ва шахсий лойиҳа устида ишлашдан иборат бўлади. <b>Part-time program:</b> - ҳар ҳафтанинг бир куни маъруза машғулоти куни белгиланади (Мисол учун: 5 та пайшанба-соат 18.00-19.30)	Университетда таълим жараёнинда мажбурий (core) ва танлов фанлари (optional) “кредит”лар тарзида белгиланган. Яъни, бир ҳафтада 1 аудитория машғулоти - 3 «кредит», бир ҳафтада 2 аудитория машғулоти - 6 «кредит» ва ҳ.к.
2.	Амалий таълим	Ўкув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича	<b>Full-time program:</b> - бу дастурда барча фанлар назарий таълим ва шахсий лойиҳа устида ишлашдан иборат бўлади. <b>Part-time program:</b> - ҳар ҳафтанинг бир куни амалий машғулот куни белгиланади (Мисол учун: 10 та душанба-соат 18.00-21.15 ва 5 та пайшанба - соат 18.00-21.15). 10 ҳафта мобайнида дарсларнинг $\frac{1}{4}$ қисми амалий машғулот тарзида ўтказилади.	
3.	Илмий тадқиқот ишлари	- Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини амалий маълумотлар асосида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа ишлаб чиқариш муассасалари ходимлари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халкаро илмий аңжуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шугулланадилар. Бундан ташқари магистрантлар таълим жараёнинда педагогик иш билан машғул бўладилар.	<b>Full-time program:</b> - Иккинчи уч семестр бошида талабалар шахсий лойиҳаларини бажаришни бошлайди. <b>Бажариш муддати</b> – июнь ойининг бошигача. <b>Part-time program:</b> - Лойиҳанинг катта қисми биринчи ўкув йилининг охиригача бўлган муддатда бажарилади. Бажарилган лойиҳанинг ҳимояси декабрь ойининг охирида бўлиб ўтади.	Диссертацион тадқиқотни бажаришга барча талабларни тўлиқ бажарган талабаларга рухсат берилади. Диссертация мутахассислик факультети профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида бажарилади. Магистратура дастурини муваффақиятли тамомлаш учун ҳар бир талаба камида 90 кредит тўплаши, яъни ўтилган курслар бўйича 60 кредит, диссертация бўйича эса 30 кредит тўплаши керак бўлади.
4.	Мустақил таълим	Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий қўниқмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган	Мустақил таълим алоҳида назарда тутилмаган. Чунки булар юз фоиз тўлов асосида ўқитилади.	Университетда мустақил таълим назарда тутилмаган, чунки магистратура

		шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	<b>Full-time</b> - 4 та асосий курс, ишлаб чиқариш амалиёти, 5 та курс танланма асосида. <b>Part-time</b> - 4 та асосий курс, шахсий лойиҳа, 5 та курс танланма асосида.	дастури тўлиқ контракт асосида олиб борилади.
5.	Таълим жараённада баҳолаш	Магистрантларнинг назарий ва амалий қўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва хар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий қўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб килинади.	Лойиҳаларни химоя қилиш орқали курс якунланади. Узлуксиз баҳолаш тизими назарда тутилмаган.	Таълим жараёни икки хил усуlda назорат қилинади. Лойиҳаларни химоя қилиш ва тест орқали. Лойиҳаларни химоя қилинада магистрант танлаган лойиҳаси бўйича белгиланган муддатда лойиҳа ишини (индивидуал ёки гурӯҳ, яни team-work) комиссияга топширади. Таълим жараёни тест асосида назорат қилиб борилади. Тест синовлари 3 соат 30 дақиқа давом этади. Биринчи 90 дақиқада иқтисодиёт бўйича элементар билимлар текширилади. 30 дақиқалик танафусдан сўнг чизиқли алгебра, эҳтимоллар назарияси ва статистика бўйича элементар билимлар текширилади. Тестлар инглиз тилида ўтказилади. Тест синовлари танланма асосида ўтказилмайди.

### Магистратурада таълим жараённинг мазмуни ва давомийлиги

Узбекистон Республикаси Тошкент молия институти 5A230701-Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги	Муддати (соати)	Англия MIF (Master in Finance) дастури London Business School	Муддати	Northern State University (USA) Banking and Financial Services (MS)	Муддати
1. Миллий гоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегияси	58	<b>Full-time program:</b> <b>Уч семестр №1:</b> Куз тизими. Сентябрь – декабрь ойлари учун: 1. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил. 2. Корпоратив молия ва уларни баҳолаш. 3. Капитал бозори ва уларни молиялаштириш.	<b>Мажбурий курслар</b> 38 та кредитни ташкил этади: • Математика ва молияда моделлаштириш, Кредит = 6. • Инвестициялар, Кредит = 3 • Молиявий ҳисобот, унинг баҳоланиши ва	Курслар учлик уч семестрда н иборат: Кузги уч семестр (октябрь-декабрь), Қишик уч семестр (январь-апрель) ва Баҳорги	
2. Илмий-тадқиқот методологияси	88	<b>Уч семестр №2:</b> Бахор тизими. Январь – март ойлари учун: 1. Молия асослари. 2. Биринчи танлов фани.			
3. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат	58				

4. Амалий хорижий тил	148	3. Иккинчи танлов фани. 4. Шахсий лойиха устида ишлаш.	хавфсизлиги тахлили,	уч
5. Ахборот тизимлари	60	<b>Уч семестр №3: Ёз тизими.</b> Апрель – июнь ойлари учун: 1. Учинчи танлов фани.	Кредит = 3 •Халқаро молия,	семестр (апрель- июль)
6. Халқаро валюта бозорлари	122	2. Тұртинги танлов фани. 3. Бешинчи танлов фани	Кредит = 3 • Молия бозорларда	хамда диссертаци
7. Банкларда бухгалтерия ҳисоби II	144	4. Шахсий лойиха устида ишлаш <b>Part-time program:</b> <b>Уч семестр №1: Күз тизими.</b>	эконометрика, Кредит = 2 •Микроэкономика,	я химояси.
8. Банк актив ва пассивларини бошқариш	246	Сентябрь – декабрь ойлари учун: 1.) 10 та душанба соат 18.00- 21.15. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил.	Кредит = 2 • Молиявий иктисод, Кредит = 4	
9. Риск менежмент	122	2.) 5 та пайшанба соат 18.00- 19.30. Маъруза машгулоти. 3.) 5 та пайшанба соат 18.00- 21.15. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил.	• Молиявий ишлаб чиқариш, Кредит = 4 • Рисклар ва	
10. Монетар сиёсат II	122	<b>Уч семестр №2: Баҳор тизими.</b> Январь – март ойлари учун: 1.) 10 та душанба соат 18.00- 21.15. Корпоратив молия ва уларни баҳолаш. 2.) 5 та пайшанба соат 18.00- 19.30. Маъруза машгулоти. 3.) 5 та пайшанба соат 18.00- 21.15. Молия асослари.	активларни бошқариш, Кредит = 3. • Корпоратив молия, Кредит = 3 •Фиксиранган даромад ва	
		<b>Уч семестр №3: Ёз тизими.</b> Апрель – июнь ойлари учун: 1.) 10 та душанба соат 18.00- 21.15. Капитал бозори ва уларни молиялаштириш. 2.) 5 та пайшанба соат 18.00- 19.30. Маъруза машгулоти. 3.) 5 та пайшанба соат 18.00- 21.15. Молия асослари.	баҳолаш, Кредит = 3 • Банк иши, Кредит = 2	

“Банк иши” кафедраси  
мудири

и.ф.д., проф. А.А.Омонов

Масъул

Ph.D. Ф.К.Холмаматов

## **5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малака талабларининг ишлаб чиқилишига тушунтириш хати**

**5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислигининг малака талаблари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадлари, вазифалари ва қоидалари сўзсиз амалга оширилишига қаратилган. Хусусан, ишлаб чиқилган малака талаби таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишнинг бир тадбири сифатида қараш мумкин. **5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислиги малака талабларининг мазмун-моҳияти ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этилган, унда ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизими ўз ифодасини топган. Шунингдек, **5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислиги малака талабларида “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўкув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожланиши таъминланган.

Таълим дастурларида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, ҳалқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар принциплари ҳисобга олинган. Умумметодологик фанлар Илмий-тадқиқот методологияси, Махсус фанларни ўқитиши методикаси ва Амалий хорижий тил ҳамда Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш, Тўлов тизими ва банк хавфсизлиги, “Банк рисклари”, “Монетар сиёsat” ва “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар” мутахассислик фанлари магистрларнинг интеллектуал имкониятларини оширишга хизмат қиласди.

**5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислиги малака талабларида таълим олувчиларда чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўнікма шаклланиши таъминланган. Хусусан, магистратуранинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талабларда таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиши субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чукур билим ҳамда амалий кўнікмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак дейилган.

**5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислиги малака талаблари ҳалқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси, кадрлар тайёрлашга нисбатан амалиёт томонидан қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган. Малака талаблари ҳалқаро миқёсидаги ривожланган демократик давлатлар таълим стандартлари билан қиёсий таққосланган. Унда магистратурада таълим жараёнинг умумий кўрсаткичлари (таълимнинг бошланиши, давомийлиги, таълим олувчилар сони, машғулотлар ўтиш жойлари, таълим берувчилар, таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш), магистратурада таълим жараёнинг таркиби (назарий таълим, амалий таълим, илмий-тадқиқот ишлари, мустақил таълим, таълим жараёнида баҳолаш) ҳамда магистратурада таълим жараёнинг мазмuni ва давомийлиги (фанлар рўйхати ва уларнинг ўқитилиш муддати) ҳисобга олинган ҳолда қиёсий таҳлил этилган.

Малака талабларида келтирилган мутахассислик фанлари блоки бўйича таълим турлари ва босқичлари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси) ва кадрлар истеъмолчилари (Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”) билан келишилган ҳамда унинг изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг комплекслилигини таъминлашга эътибор қаратилган. Мутахассислик фанлари блоки бўйича магистрларнинг билим, қўнима ва малакаларига қўйиладиган талаблар ҳамда мутахассислик фанлари блокининг зарурий мазмуни ва компонентларида илмийлик, магистр фаолиятини илмий-тадқиқотга йўналтирилганлик жиҳатлари ўз ифодасини топган, шунингдек, таълим турлари мутахассисликнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Малака талабларида таълим турлари бўйича ажратилган соатлар ҳажми ўқиш даврининг умумий ҳажми тақсимотига мос келади.

Малака талабларида таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботини белгиланган. Магистратура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини ички назорат, давлат-жамоат назорати, якуний давлат назорати ва ташқи назорат қилиш белгилаб қўйилган. Шунингдек, малака талабларини ишлаб чиқиша Узбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 авгуstdаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги З-сон ва 2015 йил 2 мартағи “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сон қарорларида белгиланган талаблари асос қилиб олинган.

**5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислиги малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим, ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти фаолиятларининг илгор меъёрлари (“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва ҳ.к.) киритилди.

**5A230701 – Банк иши ва аудити** мутахассислиги малака талаблари юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 343-сон қарори талабларига мос келади.

Тошкент молия институти  
“Банк иши” кафедраси мудири

А.А.Омонов